

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

14-сон  
(98)  
2004 й.  
апрель

---

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўtkazilgan норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Учинчи бўлим

168. «Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 апрелдаги 162-сон қарори

169. «Латвия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 апрелдаги 166-сон қарори

170. «Малайзия билан инвестиция хамкорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 апрелдаги 167-сон қарори

### Бешинчи бўлим

171. «2004 йилда биоресурслардан фойдаланиш меъёрлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2004 йил 18 февралдаги 17-сон бўйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 5 апрелда 1332-сон билан давлат рўйхатидан ўtkazildi)

172. «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сувуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 25 февралдаги 35, 74, 2004-24, 245-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрелда 1333-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
173. «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия хисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 10 марта 37, 2004-26, 20/1-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
174. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (14-сон БХМС) «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот»ни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 1 марта 36-сон бўйруфи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 7 апрелда 1335-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
175. «Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари хисобидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2004 йил 24 январдаги 203-В-2, 24-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 7 апрелда 1074-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
176. «Ер участкасини ижарага олиш хукуки қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 13 марта 6/17-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 8 апрелда 1336-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 3 апрелдан 9 апрелгача бўлган маълумот

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **168 Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида**

Оролбўйи экологиясини яхшилаш, аҳолиси соғлигини мустаҳкамлаш ва атроф табиий мухитини муҳофаза қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, 1-иловага\* мувофиқ бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар, банклар, халқаро ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва тузилмаларнинг Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасини ташкил этиш ҳамда уларнинг Жамғарма муассислари сифатида қатнашиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қўйидагилар Жамғарманинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

минтақани барқарор ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида Оролбўйи аҳолиси соғлигини сақлаш ва атроф табиий мухитини муҳофаза қилиш масалалари бўйича тизимли дастурлар ва лойиҳалар ишлаб чиқиши ташкил этиш ва уларни амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш минтақавий тизимини такомилластиришда, аҳолининг, ай-никса болалар ва аёлларнинг соғлиғи даражасини оширишда, санитария-эпидемиология вазиятини яхшилашда, кундалик ҳаётга оилавий саломатлик маданиятини жорий этишда ёрдам кўрсатиш;

атроф табиий мухит, шу жумладан Оролбўйи наботот ва ҳайвонот дунёсини соғломластириш ҳамда муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишга жамоатчиликни жалб этиш;

минтақанинг биологик рангбаранглигини сақлашда ва тиклашда фаол иштирок этиш;

юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ва вазифаларни ҳал қилишга халқаро ташкилотларни кенг жалб этиш.

3. Қўйидагилар:

Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармасининг Ҳомийлик кенгаси таркиби 2-иловага\* мувофиқ;

Жамғарманинг ходимлари сони 5 нафар бўлган ижро этувчи дирекцияси тузилмаси 3-иловага мувофиқ маъқуллансан.

4. Белгилаб қўйилсинки:

бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг, Ҳукуматга қарашли ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг, ҳомийларнинг ҳомийлик маблағлари, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади;

\* 1, 2-иловалар берилмайди.

Жамғармага тушадиган маблағлар солиққа тортилмайды.

5. Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон ва Туркия ҳукуматларидан Оролбўйидаги экологик аҳволни яхшилаш учун тушган 513854 АҚШ доллари миқдоридаги маблағларнинг Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, манбаатдор вазирликлар ва идоралар-нинг таклифига кўра белгиланган тартибда Жамғармага берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Қуйидагиларга:

а) Жамғарма муассисларига — бир ой муддатда Жамғарма уставини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин;

б) Жамғарманинг Ҳомийлик кенгашига:

Жамғарма олдида турган вазифаларни ҳал этишга манбаатдор давлат, жамоат тузилмаларининг ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган тузилмаларнинг, шунингдек ҳалқаро ташкилотларнинг жалб этилишини таъминлаш;

Орол денгизи ва Оролбўйи зонасининг биологик рангбаранглигини сақлаш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, болаларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миңтақада тарқалган касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш, давлатнинг мақсадли дастурларини бажариш бўйича вазифаларнинг бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш;

Жамғарманинг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлашда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

Жамғарма маблағларидан мақсадли, қонуний ва самарали фойдаланилиши устидан қатъий назоратни таъминлаш;

Жамғармани Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилот сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш;

Нукус ва Урганч шаҳарларида, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва Хоразм вилояти ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларига Жамғарма бўлимларига жамоатчилик асосида раҳбарлик қилишни юклаган ҳолда, Жамғарма бўлимларини очиш тавсия этилсин.

7. Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари билан биргаликда Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» ҳалқаро хайрия жамғармаси, UzGEF агентлиги Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармаси фаолиятини ташкил этишда фаол иштирок этсинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**


Тошкент ш.,  
2004 йил 3 апрель,  
162-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 3 апрелдаги 162-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Оролбўйи генофондини муҳофаза қилиш хайрия жамғармаси  
ижро этувчи дирекциясининг тузилмаси**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

**169 Латвия Республикаси фуқаролари учун виза тартиботларини соддалаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасидаги сиёсий, савдо-иктисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ишбилармонлик ва туристик мақсадларда Ўзбекистон Республикасига ташриф буюраётган Латвия Республикаси фуқаролари учун визаларни расмийлаштириш тартиботларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлиги:

ишбилармонлик мақсадларида Ўзбекистонга ташриф буюраётган Латвия Республикаси фуқаролари учун бир йил муддатга кўп марталик визаларни, Ўзбекистон Республикасидаги таклиф қилаётган юридик шахснинг Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига мурожаат қилишига доир талабни бекор қилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий муассасаларида, хужжатларни кабул қилиш кунидан ташқари, 2 иш куни мобайнида расмийлаштирун;

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

турист сифатида Ўзбекистонга ташриф буюраётган Латвия Республикаси фуқаролари учун 1 ойгача бўлган муддатга кўп марталик визаларни, «Ўзбектуризм» миллий компанияси ёки бошқа туристик ташкилотларнинг туристик ваучерларини тақдим этиш зарурлигига доир талабни бекор қилган ҳолда, хужжатларни қабул қилиш кунидан ташқари, 2 иш куни мобайнида расмийлаштирунган.

2. Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор вазирларни идоралари ўз идоравий хужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирунганлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Махкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 6 апрель,  
166-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **170 Малайзия билан инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Малайзия билан инвестиция ҳамкорлиги дастурларини самарали тайёрлаш ва амалга ошириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикасининг Малайзия билан Хукуматлараро ҳамкорлиги доирасида Инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш бўйича идоралараро ишчи гурух таркиби иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Малайзия билан ҳамкорлигининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг углеводород ресурсларини кенг кўламда разведка қилиш ва қазиб чиқариш бўйича нефть-газ тармоғидаги лойиҳаларни амалга оширишга инвестицияларни жалб этиш;

электротехника, электрон, кон қазиб чиқариш, енгил саноат, мебель, кимё, озиқовқат ва қайта ишлаш саноатида, туризм соҳасида ва хизматлар кўрсатишнинг бошқа турларида (соғлиқни сақлаш, таълим) кўшма корхоналар ташкил этиш;

саноат, таълим, соғлиқни сақлаш соҳасида ва молия хизматлари секторида телекоммуникацияларнинг замонавий тизимларини ва илфор ахборот технологияларини жорий этиш;

Малайзия компанияларини Ўзбекистоннинг реал ва молия секторлари корхоналарини хусусийлаштириш жараённига жалб этиш;

илмий-техника ҳамкорлиги, таълим ва маданият соҳаларида ўзаро фойдали алоқаларни ривожлантириш.

3. Идоралараро ишчи гурух 2004 йил 1 сентябргача Малайзия билан савдо-

---

\* Илова берилмайди.

иқтисодий ҳамкорлик дастурини, шу жумладан биргаликда амалга ошириш учун устувор инвестиция лойихалари рўйхатини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Савдо-иктисодий ҳамкорлик дастурини тайёрлаш доирасида қўшма бизнес-семинарлар ўтказиш, Ўзбекистоннинг инвестиция ва экспорт салоҳияти қўргазмаларини ташкил этиш, Ўзбекистон ва Малайзия тадбиркорлари ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш назарда тутилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 апрель,  
167-сон

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА  
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАЙСИНИНГ  
БҮЙРУФИ

### **171      2004 йилда биоресурслардан фойдаланиш меъёрла- ри ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
5 апрелда 1332-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 15 апрелдан кучга киради)*

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги», «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Низомига мувофиқ ўсимлик ва ҳайвонот дунёси обьектларидан фойдалнишда талон-торож бўлишига йўл қўймаслик ва улардан оқилона фойдаланиш мақсадида ҳамда биологик ресурслардан фойдаланиш бўйича Идоралараро комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг хуносалари (2004 йил 2 февраль 4/1255-43-сонли ва 2003 йил 30 декабрь 4/1255-339-сонли) асосида **буюраман:**

1. 2004 йил учун Квоталар қўйидаги тасдиқлансан:
  - ов қилиш ва истеъмол мақсадида ёввойи ҳайвонларни тайёрлаш учун (1-иловага\* мувофиқ);
    - ёввойи ҳолда ўсуви доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни тайёрлаш учун (2-иловага\* мувофиқ).
  - 2. Давлат бионазорати (А.А. Григорьянц):
    - ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан фойдаланиш квотасини тақсимласин ва Коракалпогистон Республикаси табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар табиятни муҳофаза қилиш қўмиталари эътиборига етказсан;
    - 2004 йил ов мавсумини Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 1997 йил 15 апрелда тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1997 йил 1 май, рўйхат рақами 337-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ тутиш коидалири»га мувофиқ ўтказилишини таъминласин;
      - ёввойи ҳайвонларни ов қилиш ҳамда ёввойи ҳолда ўсуви ўсимликларни тайёрлашга рухсатномалар белгилangan квоталар доирасида, рухсатнома қиймати тўлаганидан сўнг берилсин;

---

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилади.

3. Ушбу буйрукни бажарилишини назорат қилиш Давлат бионазорати бошлиғи вазифасини бажарувчи А.А Григорьянц зиммасига юклатилсин.

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси  
вазифасини бажарувчи Б. АЛИХАНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 18 февраль,  
17-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**172 Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий су-  
фуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни  
ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш  
ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
6 апрелда 1333-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, «Фуқароларни нафақа билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрь 567-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил параметрлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Куйида илова қилинган ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суфуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисидаги низом\* тасдиқлансан.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтгандан кейин 10 кун ўтгач амалга киритилсин.

3. Ушбу қарор амалга киритилгандан кейин куйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан:

«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Давлат ижтимоий суфуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги

---

\* Низом рус тилидаги матнда берилади.

йўриқномани (2001 йил 16 март, рўйхат рақами 1018-сон) тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари-нинг 2001 йил 7 мартағи 2001-21, 182-в, 17 ва 181/2-сонли қарори — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 6-сон;

«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва ажратмаларни хисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш»ни (2001 йил 18 октябрь, рўйхат рақами 1018-1-сон) тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликларининг 2001 йил 20 сентябрь, 2001-95, 182-В-1, 97 ва 05/2573-сонли қарори — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 19-сон;

«Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва ажратмаларни хисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш»ни (2003 йил 24. апрель, рўйхат рақами 1018-2-сон) тасдиқлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат Солик қўмитаси, Марказий банки, Молия вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирликларининг 2003 йил 11 апрель, 2003-32, 182-В-2, 50 ва 37 сонли қарори — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 февраль,  
35-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 февраль,  
74-сон

**Давлат солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 февраль,  
2004-24-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 25 февраль,  
245-В

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ  
 МУХОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

## **173 Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
6 апрелда 1334-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 апрелдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 5-моддаси, «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 1999 йил 2 ноябрда 833-сон билан рўйхатга олинган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сонли БХМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат Солик қўмитаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қиласиди**:

1. Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин;
2. 2001 йил 20 июндаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 56-сонли, Давлат солик қўмитасининг 2001-38-сонли, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазилигининг 4/1-сонли «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тартиби тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2001 йил 23 июль, рўйхат рақами 1054-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 14-сон) ўз кучини ўйқотган деб ҳисоблансан.
3. Мазқур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 10 март,  
 37-сон

**Давлат Солик қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
 2004 йил 10 март,  
 2004-26-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш  
вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 10 март,  
20/1-сон

Молия вазирлиги, Давлат Солик қўмитаси,  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза  
қилиш вазирлигининг  
2004 йил 10 марта  
37, 2004-26, 20/1-сонли қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк  
камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва  
солиқقا тортиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

Мазкур Низом «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-модда), Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» га (1999 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 833-сон) мувофиқ ишлаб чиқилган ва инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ва солиқقا тортиш тартибини белгилайди.

**§ 1. Умумий коидалар**

1. Мазкур Низом мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, барча корхона ва ташкилотларга (банклар ва кредит уюшмаларидан ташқари) татбик этилади.

2. Иш берувчининг мулкига етказилган зарар ҳажми, зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлик чегаралари ва тартибини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади.

Бир ойлик ўртача иш хақидан ошмайдиган етказилган зарар суммасини айбдор ходимдан ундириш иш берувчининг фармойишига мувофиқ амалга оширилади. Фармойиш етказилган зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойдан кечикмасдан чиқарилиши мумкин. Бунда зарар ҳажми инвентаризация ўтказиш даврида мазкур жойда амал қилаётган бозор баҳолари бўйича ҳисобланади.

Агар ходимдан ундирилиши лозим бўлган етказилган зарар суммаси унинг ўртача ойлик иш хақидан юқори ёки зарар аниқланган кундан бошлаб бир ойлик муддат ўтган бўлса, ундириш суд орқали амалга оширилади.

Иш берувчининг мулки ўғирланганда, кам чиққанда, қасдан йўқотиш ёки қасдан бузиш натижасида ҳамда бошқа ҳолларда етказилган зарар ҳажми бозор қиймати бўйича ҳисобланади.

3. Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлаш учун куйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- а) ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан ва уларнинг расмий дилерларидан, товар хом ашё биржаларидан, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;
- б) Марказий банкнинг камомад (ортиқча) аниқланган санадаги ва тегишли мулкни сотиб олиш санасидаги курсларнинг нисбати шаклида аниқланган хисобкитоб коэффициентини кўллаган холда сотиб олиш санасидаги (тасдиқловчи хужжатлар мавжуд бўлганда) мол-мулкларнинг эркин конвертацияланадиган валюта (ЭКВ) даги қиймати тўғрисидаги маълумотлар;
- в) тегишли давлат идораларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;
- г) инвентаризация ўтказилаётган даврда оммавий ахборот воситалари ва маҳсус адабиётларда эълон қилинган нарх даражалари тўғрисидаги маълумотлар;
- д) тегишли мол-мулкнинг қиймати тўғрисида баҳоловчининг эксперт хуносаси.

## **§ 2. Инвентаризация жараёнида аниқланган асосий воситалар камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқса тортиш**

4. Инвентаризация жараёнида аниқланган асосий воситаларнинг камомади бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

- а) кам чиққан асосий воситанинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:  
дебет 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;  
кредит асосий воситаларни ҳисобга олевчи счёtlar (0100);
- б) кам чиққан асосий воситага ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилганда:  
дебет асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олевчи счёtlar (0200);  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;
- в) резерв капиталини ҳисобга олевчи счёtlarда қайд қилинган кам чиққан асосий воситанинг қайта баҳолаш натижаси (колдик) суммасига:  
дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти;
- д) кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига:  
дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти;  
кредит 9210 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши» счёти.

5. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айборд деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан асосий воситанинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарардан юқори бўлса, даромад суммаси бугалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

- дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айборд шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан асосий воситанинг бозор қийматига;
- кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига;
- кредит 9310 «Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айборд шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан асосий воситанинг бозор қиймати ва кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси ўртасидаги фарқига.

Асосий воситаларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликқа тортилади.

6. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан асосий воситанинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарардан паст бўлса, зарар суммаси бугалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан асосий воситанинг бозор қийматига;

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан асосий воситанинг бозор қиймати ва кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси ўртасидаги фарқига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига.

Асосий воситаларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солишини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солик солиш базасини қўпайтиради.

7. Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан асосий воситанинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солишини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солик солиш базасини қўпайтиради:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти.

Асосий воситаларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солишини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солик солиш базасини қўпайтиради.

8. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган асосий воситалар, ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш асосий воситаларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг ҳақиқий ахволини ҳисобга олган ҳолда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlар (0100);

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

Инвентаризация жараёнида аниқланган асосий воситалар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликқа тортилади.

Ҳисобга олинмаган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмасини ҳисоблаш ушбу асосий восита, асосий воситалар таркибига қўшилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ва ушбу асосий воситанинг амортизация қилинадиган қиймати қоплангунча ёки ушбу асосий восита балансдан чиқарилганга қадар амалга оширилади.

### **§ 3. Инвентаризация жараёнида аниқланган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва соликқа тортиш**

9. Инвентаризация жараёнида аниқланган ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомади бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналар баланс қиймати бўйича хисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни хисобга олувчи счёtlар (0700);

б) резерв капиталини хисобга олувчи счёtlарда қайд қилинган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг қайта баҳолаш натижаси (қолдик) суммасига:

дебет 8510 «Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммасига:

дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

10. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган заардан юқори бўлса, даромад суммаси бухгалтерия хисобида қуидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қийматига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган заарар суммасига;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати ва кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган заарар суммаси ўртасидаги фарқига.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиқка тортилади.

11. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган заардан паст бўлса, заарар суммаси бухгалтерия хисобида қуидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қийматига;

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати ва кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган заарар суммаси ўртасидаги фарқига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган заарар суммасига.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган заарар суммаси даромад (фойда) солиғини хисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

12. Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиқсан ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти;

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солигини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солик солиш базасини қўпайтиради.

13. Инвентаризация жараёнода аниқланган ҳисобга олинмаган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар, ортиқча чиқиб аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бозор қиймати бўйича баҳоланади (ортиқча чиқиб сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет ўрнатиладиган асбоб-ускуналарни ҳисобга оловчи счёtlar (0700);

кредит 9390 «Бошқа операцион даромалар» счёти.

Инвентаризация жараёнода аниқланган ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликка тортилади.

#### **§ 4. Инвентаризация жараёнода аниқланган номоддий активлар камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва соликка тортиш**

14. Инвентаризация жараёнода аниқланган номоддий активларнинг камомади бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

а) кам чиқсан номоддий активнинг бошланғич қиймати ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит номоддий активларни ҳисобга оловчи счёtlar (0400);

б) кам чиқсан номоддий активга ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилганда:

дебет номоддий активлар амортизацияси ҳисобга оловчи счёtlar (0500);

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

в) кам чиқсан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) суммасига:

дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

15. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиқсан номоддий активнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиқсан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдиқ қиймати) дан юқори бўлса даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсадан ундирилиши лозим бўлган кам чиқсан номоддий активнинг бозор қийматига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиқсан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилга зарар (қолдиқ қиймати) суммасига;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати ва кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдик қиймати) суммаси ўртасидаги фарқига.

Номоддий активларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликқа тортилади.

16. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдик қиймати) дан паст бўлса зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қийматига;

кредит 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан номоддий активнинг бозор қиймати ва кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдик қиймати) суммаси ўртасидаги фарқига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан номоддий активнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар (қолдик қиймати) суммасига.

Номоддий активларнинг камомади ёки бузилишлари натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солишини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солик солиш базасини қўпайтиради.

17. Камомаднинг аниқ айбори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан номоддий активларнинг чиқиб кетишидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти;

Номоддий активларнинг камомади ёки йўқотиш натижасида чиқиб кетишидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солишини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солик солиш базасини қўпайтиради.

18. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган номоддий активлар ортиқча чиқиш аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш номоддий активларнинг бозор қиймати бўйича уларнинг фойдалари фойдаланиш муддатини ҳисобга олган холда баҳоланади (ортиқча чиқиш сабаблари ва айбор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет номоддий активларни ҳисобга олувчи счёtlар (0400);

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар».

Инвентаризация жараёнида аниқланган номоддий активлар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликқа тортилади.

Ҳисобга олинмаган номоддий активлар бўйича амортизация ажратмасини ҳисоблаш, ушбу номоддий актив, номоддий активлар таркибига қўшилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади ва ушбу номоддий активнинг амортизация қилинадиган қиймати қоплангунча ёки ушбу номоддий актив балансдан чиқарилгунга қадар амалга оширилади.

**§ 5. Инвентаризация жараёнида аниқланган узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқца тортиш**

19. Инвентаризация жараёнида аниқланган узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомади бухгалтерия ҳисобида кўйидаги тартибда акс эттирилади:

а) кам чиқкан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни номинал (баланс) қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилганда:

дебет 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти;

кредит узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счёtlар (0600);

кредит қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счёtlар (5800);

б) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган зарар суммасига:

дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти;

кредит 9220 «Бошқа активларнинг чиқиб кетиши» счёти.

20. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиқкан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомади бўйича кўрилган заардан юкори бўлса, даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида кўйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиқкан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қийматига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган зарар суммасига;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиқкан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати ва узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган заар суммаси ўртасидаги фарқига.

Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиқца тортилади.

21. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиқкан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати (ундириладиган сумма) узоқ ва қисқа муддатли инвестиацияларнинг камомади бўйича кўрилган заардан паст бўлса, заар суммаси бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиқкан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қийматига;

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиқкан узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг бозор қиймати ва узоқ ва қисқа муддатли инвестиацияларнинг камомадидан кўрилган заар суммаси ўртасидаги фарқига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — узоқ ва қисқа муддатли инвестиацияларнинг камомадидан кўрилган заар суммасига.

Узоқ ва қисқа муддатли инвестиацияларнинг камомадидан заар суммаси даро-

мад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

22. Камомаднинг аниқ айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, узок ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган заар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида кўйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти.

Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг камомадидан кўрилган заар суммаси даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солиқ солиш базасини кўпайтиради.

23. Инвентаризация жараёнида аниқланган ҳисобга олинмаган узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар, ортиқча чиқиши аниқланган санадаги айнан шунга ўхшаш узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларнинг номинал қиймати бўйича баҳоланади (ортиқча чиқиши сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аниқланади) ва бухгалтерия ҳисобида кўйидагича акс эттирилади:

дебет узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга оловчи счёtlar (0600);

дебет қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга оловчи счёtlar (5800);

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

Инвентаризация жараёнида аниқланган узоқ ва қисқа муддатли инвестициялар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиқка тортилади.

## **§ 6. Инвентаризация жараёнида аниқланган товар-материал захиралари камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби ва солиқка тортиш**

24. Инвентаризация жараёнида аниқланган товар-материал захираларининг камомади ҳақиқий (баланс) қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти;

кредит товар-материал захираларини ҳисобга оловчи счёtlar (1000-2900).

25. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиқсан товар-материал захираларининг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиқсан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматидан юқори бўлса, даромад суммаси бухгалтерия ҳисобида кўйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий заарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиқсан товар-материал захираларининг бозор қийматига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиқсан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматига;

кредит 9320 «Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиқсан товар-материал захираларининг бозор қиймати ва кам чиқсан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қиймати ўртасидаги фарқига.

Товар-материал захираларининг камомадидан кўрилган даромад суммаси умумий белгиланган тартибда солиқка тортилади.

26. Моддий жавобгар шахс (ёки бошқа ходим) айбдор деб тан олинган ҳолларда ва агар баҳолаш натижасида кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қиймати (ундириладиган сумма) кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматидан паст бўлса, кўрилган зарар суммаси бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қийматига;

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти — айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан ундирилиши лозим бўлган кам чиққан товар-материал захираларининг бозор қиймати ва кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қиймати ўртасидаги фарқига;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти — кам чиққан товар-материал захираларининг ҳақиқий (баланс) қийматига.

Товар-материал захираларининг камомадидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солигини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солик солиш базасини кўпайтиради.

27. Камомаднинг аник айбдори топилмаган ёки моддий жавобгар шахслардан ундириб олиш имкони бўлмаган ҳолларда, кам чиққан товар-материал захираларининг камомадидан кўрилган зарар молиявий натижаларга олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 5910 «Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар» счёти.

Товар-материал захираларининг камомадидан кўрилган зарар суммаси даромад (фойда) солигини ҳисоблашда умумий белгиланган тартибда солик солиш базасини кўпайтиради.

28. Инвентаризация жараёнида аникланган ҳисобга олинмаган товар-материал захиралари ортиқча чиқиши аникланган санадаги айнан шунга ўхшаш товар-материал захираларининг бозор қиймати бўйича баҳоланади (ортиқча чиқиши сабаблари ва айбдор шахслар кейинчалик аникланади) ва бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет товар-материал захираларини ҳисобга оловчи счёtlар (1000-2900);

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

Инвентаризация жараёнида аникланган товар-материал захиралар бўйича даромад суммаси умумий белгиланган тартибда соликка тортилади.

## **§ 7. Айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан камомад суммасини ундиришнинг бухгалтерия ҳисоби**

29. Айбдор шахс ёки моддий жавобгар шахсдан камомад суммасини ундириш бухгалтерия ҳисобида қўйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга оловчи счёtlар (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) ёки меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга оловчи счёtlар (6700) ёки бошқа активларни ҳисобга оловчи счёtlар;

кредит 4730 «Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи» счёти.

**§ 8. Бюджет ташкилотларида инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқчасининг бухгалтерия ҳисоби**

30. Инвентаризация жараёнида аниқланган ортиқча мол-мулкни кирим қилиш:

а) асосий воситалар:

дебет «Асосий воситалар» счёти;

кредит «Асосий воситалар фондси» счёти;

б) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари:

дебет «Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва илмий тадқиқот учун материаллар» счёти;

кредит «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

в) материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари:

дебет «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» счёти;

кредит «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

г) арzon ва тез эскирувчи буюмлар:

дебет «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счёти;

кредит «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар фондси» счёти;

31. Инвентаризация жараёнида аниқланган ва бюджет ташкилоти ҳисобига қабул қилинган камомадни ҳисобдан чиқариш:

а) асосий воситалар:

дебет «Асосий воситалар фондси», «Асосий воситаларнинг эскириши» счётлари;

кредит «Асосий воситалар» счёти;

б) арzon ва тез эскирувчи буюмлар:

дебет «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар фондси» счёти;

Кредит «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счёти.

32. Материалларнинг белгиланган меъёрлар чегарасидаги йўқолишини, шунингдек бюджет ташкилоти ҳисобига қабул қилинган камомад ва йўқотишларни ҳисобдан чиқариш:

а) материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари:

дебет «Бюджет бўйича харажатлар» счёти — агар бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинган бўлса;

дебет «Бошқа харажатлар» счёти — агар бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига харид қилинган бўлса;

кредит «Материаллар ва озиқ-овқат маҳсулотлари» счёти;

б) асбоб-ускуналар ва қурилиш материаллари:

дебет «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

кредит «Асбоб-ускуналар, қурилиш материаллари ва илмий тадқиқотлар учун материаллар» счёти;

в) арzon ва тез эскирувчи буюмлар:

дебет «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар фондси» счёти;

кредит «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счёти.

33. Инвентаризация жараёнида аниқланиб айбор шахс ҳисобига олиб борил-

ган ва бюджет даромадига ўтказилган асосий воситаларнинг камомадини ҳисобдан чиқариш:

а) асосий воситаларнинг балансда ҳисобда турган суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

кредит «Асосий воситалар» счёти.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув амалга оширилади:

дебет «Асосий воситалар фонди» ва «Асосий воситаларнинг эскириши» счётлари;

кредит «Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

б) суднинг қарори билан бюджетнинг даромадига ўтказиладиган асосий воситаларнинг баланс қиймати ва айбдор шахсдан ундириладиган бозор қиймати ўртасидаги фарқ суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

кредит «Бюджетта тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

в) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилот киритилгандай:

дебет «Касса» счёти;

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

г) агар асосий воситалар бюджетдан ташқари манбалари ҳисобига харид қилинган бўлса — айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига кирим қилинади:

дебет «Ташкилотнинг депозит счёти» ёки «Ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича депозит счёти» счёти;

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

д) агар асосий воситалар бюджетдан ташқари манбалар ҳисобига харид қилинган бўлса — айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига ўтказилиши:

дебет «Бюджетта тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

кредит «Ташкилотнинг депозит счёти» ёки «Ташкилотнинг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича депозит счёти» счёти;

34. Инвентаризация жараёнида аниқланиб айбдор шахс ҳисобига олиб борилган ва бюджет даромадига ўтказилган арzon ва тез эскирувчи буюмлар камомадини ҳисобдан чиқариш:

а) арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг балансда ҳисобда турган суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

кредит «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счёти.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув амалга оширилади:

дебет «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар фонди» счёти;

кредит «Бюджетта тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

б) суднинг қарори билан бюджетнинг даромадига ўтказиладиган арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг баланс қиймати ва айбдор шахсдан ундириладиган бозор қиймати ўртасидаги фарқ суммасига:

дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

кредит «Бюджетта тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

в) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилот киритилгандай:

дебет «Касса» счёти;

кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

г) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига киритилгандай:

дебет «Ташкилотнинг депозит счёти» счёти;  
 кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;  
 д) айбдор шахсдан ундирилган сумма бюджетга ўтказилганда:  
     дебет «Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;  
     кредит «Ташкилотнинг депозит счёти» (асосий ёки бюджетдан ташқари) счёти.

35. Инвентаризация жараёнида аниқланиб айбдор шахс ҳисобига олиб борилган ва ташкилот ихтиёрида қолдирилган асосий воситаларнинг камомадини ҳисобдан чиқариш:

а) асосий воситаларнинг балансда ҳисобда турган суммасига:  
     дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;  
     кредит «Асосий воситалар» счёти.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув амалга оширилади:  
     дебет «Асосий воситалар фонд» ва «Асосий воситаларнинг эскириши» счётлари;

кредит «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

б) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилот кассасига киритилгандага:

дебет «Касса» счёти;  
     кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;  
     в) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига киритилгандага:

дебет «Ташкилотнинг депозит счёти» (асосий ёки бюджетдан ташқари) счёти;  
     кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

36. Инвентаризация жараёнида аниқланиб айбдор шахс ҳисобига олиб борилган ва ташкилот ихтиёрида қолдирилган арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг камомадини ҳисобдан чиқариш:

а) арzon ва тез эскирувчи буюмларнинг балансда ҳисобда турган суммасига:  
     дебет «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;  
     кредит «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» счёти.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи ёзув амалга оширилади:  
     дебет «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар фонд» счёти;

кредит «Муассасани сақлаш учун ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш» счёти ёки «Муассаса харажатларини ва бошқа тадбирларни бюджетдан молиялаштириш бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

б) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилот кассасига киритилгандага:

дебет «Касса» счёти;  
     кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти;

в) айбдор шахс томонидан камомад суммаси ташкилотнинг депозит счётига киритилгандага:

дебет «Ташкилотнинг депозит счёти» (асосий ёки бюджетдан ташқари) счёти;  
     кредит «Камомадлар бўйича ҳисоб-китоблар» счёти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**174 Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг  
миллий стандарти (14-сон БҲМС) «Хусусий капитал  
тўғрисида ҳисобот»ни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
7 апрелда 1335-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 17 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги тўғрисидаги Низомга мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (14-сон БҲМС) «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган қундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 1 март,  
36-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**175 Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тад-  
биркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини  
бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари  
ҳисобидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгарти-  
риш ва қўшимчалар киритиш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
7 апрелда 1074-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 17 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рафбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида» 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сон ва «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сон фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2003 йил 24 декабрдаги 563-сон қарорига мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. «Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш тартиби»га (2001 йил 3 октябрь, рўйхат раками 1074-сон — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 19-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар иловага мувофиқ киритилсин.
2. Мазкур қарор Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган кундан 10 кундан сўнг амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОНОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 январь,  
203-B-2-сон

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 январь,  
24-сон

Марказий банк Бошқаруви,  
Молия вазирлигининг  
2004 йил 24 январдаги  
203-В-2 ва 24-сон қарорига  
ИЛОВА

**«Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар,  
кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари  
жамғармаларнинг кредит линиялари ҳисобидан кредитлаш  
тартиби тўғрисидаги низом»га киритилаётган ўзгартириш ва  
қўшимчалар**

1. Қарор ва Низом номидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.
2. 1-банддаги «Фармони» сўзидан кейин «2003 йил 23 декабрдаги ПФ-3367-сон-ли «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги «Фармони» сўзлари кўшилсин.
3. 2-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари кўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Микрофирма — ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртacha йиллик сони 20 кишидан, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган тармоқларда 10 кишидан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатлаш соҳасида 5 кишидан ошмаган корхоналар.

Кичик корхона — бу кўйидаги тармоқларнинг ўртacha йиллик ходимлари сони: енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида банд бўлган ходимлар 100 кишидан;

машинасозлик, metallurgiya, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида 50 кишидан;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суфурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда 25 кишидан ошмаган корхоналардир».

4. 2-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
5. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 13, 16, 19, 21, 22, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 32, 33, 34 бандлардан ҳамда III бўлимнинг номидан «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.
6. 4-банднинг иккинчи хатбошидан «Бизнес-Фонд»нинг давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлари ҳисобига шаклланадиган кредит ресурсларининг 50 дан кам бўлмаган фоизда, шунингдек» сўзлари чиқариб ташлансин.
7. 8-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«Бошқа кредитлар бўйича банк маржаси имтиёзли ставкадан 45 фоиз миқдорида белгиланади».
8. 9-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.
9. 13-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:  
«Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-куватлаш жамғармасининг кредит линиялари ҳисобидан кредитлар 3 йилгача бўлган муддатга берилади».
10. 47-банддан «Бизнес-Фонд» сўзлари чиқариб ташлансин.

Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза

қилиш вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазири О. ОБИДОВ**

Тошкент ш..  
2004 йил 24 январь

**Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М. СОБИРОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 январь

**Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С. ҚОБИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 24 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
КАРОРИ

**176 Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
8 апрелда 1336-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 18 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2003 йил 27 октябрдаги ПФ-3342-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли карори ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низом иловага\* мувофиқ тасдиқлансин..

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилади.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси **Ф. МУЛЛАЖНОВ****

Тошкент ш.,  
2004 йил 13 март,  
6 / 17-сон

**Ўзбекистон Республикаси  
 Адлия вазирлиги маълум қилади:  
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
 2004 йил 3 апрелдан 9 апрелгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «2004 йилда биоресурслардан фойдаланиш меъёрлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг 2004 йил 18 февралдаги 17-сон буйруғи.

**2004 йил 5 апрелда 1332-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 15 апрелдан кучга киради).**

2. «Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий сугуртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 25 февралдаги 35, 74, 2004-24, 245-В-сон қарори.

**2004 йил 6 апрелда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 апрелдан кучга киради).**

3. «Инвентаризация жараёнида аниқланган мол-мулк камомади ва ортиқаси-нинг бухгалтерия хисоби ва соликқа тортишиб тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлигининг 2004 йил 10 марта-даги 37, 2004-26, 20/1-сон қарори(янига таҳрирда).

**2004 йил 6 апрелда 1334-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 апрелдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (14-сон БХМС) «Хусусий капитал тўғрисида хисобот»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 1 марта-даги 36-сон буйруғи.

**2004 йил 7 апрелда 1335-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 17 апрелдан кучга киради).**

6. «Тижорат банклари томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджетдан ташқари жамғармаларнинг кредит линиялари хисобидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзgartириш ва қўшимчалар кириши ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Молия вазирлигининг 2004 йил 24 январдаги 203-В-2, 24-сон қарори.

**2004 йил 7 апрелда 1074-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 17 апрелдан кучга киради).**

7. «Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғри-

сида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 13 мартағы 6/17-сон қарори.

**2004 йил 8 апрелда 1336-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 18 апрелдан кучга киради).**

### **II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига давлат ижтимоий сұфуртаси бўйича мажбурий бадаллар ва чегирмаларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўрикнома, 1, 2-сон ўзгариши ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувин томонидан тасдиқланган (2001 йил 16 марта, рўйхат рақами 1018, 2001 йил 13 октябрь, рўйхат рақами 1018-1, 2003 йил 24 апрель, рўйхат рақами 1018-2).

**Адлия вазирининг 2004 йил 6 апрелдаги 82-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

2. Хатлов жараёнида аниқланган камомад ва ортиқча мол-мулкларнинг бухгалтерлик ҳисоби ҳамда уларга солиқ солиш тартиби тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлиги томонидан тасдиқланган (2001 йил 23 июль, рўйхат рақами 1054).

**Адлия вазирининг 2004 йил 6 апрелдаги 83-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.**

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгаришилар киритилиши ҳамда янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

### **III. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг газ таъминоти корхоналари томонидан пломбаларнинг тақсимланиши, ўрнатилиши ва уларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» «Ўзкоммунхизмат» агентлиги Бош директори-нинг буйруғи.

**Мазкур ҳужжат Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатлар тоифасига кирмайди. У белгиланган тартибда кўрсатилган идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**